

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: БУ ЕРДА ҲАҚИҚИЙ ИСТЕЙДОДЛАР ТАРБИЯЛАНАДИ



Ўзбекистон Республикаси Давлат мадхияси. Қалбларни ғууррга тўлдирувчи, юракларни ҳаяжонга солгувчи мамлакатнинг бош қўшиғи. Уни ҳар сафар тинглаганимизда кўнглимини шу юртнинг фарзанди эканликдан фахрланиш туйғулари қамраб олади. Шу ҳаяжонни ўзининг истеъоди билан дилларга сингдирган, Она Ватанга муҳаббатнинг сўзлар орқали ифодасини топган Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеърлари кириб бормаган хонадон йўқ. 2017 йил февраль ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Қарши шаҳрида Абдулла Орипов ҳайкалини яратиш лойиҳаси билан танишар экан, лойиҳани такомиллаштириш, бу ерда Абдулла Орипов номидаги мактаб ва унинг ижодига бағишлиланган музей ташкил этиш зарурлигини таъкидлаган эди. Орадан қарийб бир йил ўтди. 29 январь куни давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳа ижроси билан танишди. Такомиллаштирилган лойиҳа асосида бу ерда Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернати барпо этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 майдаги «Қарши шаҳрида Абдулла Орипов номидаги она тили ва адабиёти фанини чукурлаштириб ўқитишига ихтисослаштирилган мактаб-интернатини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида бунёд этилган илм даргоҳи олдида Қаҳрамон шоиримизнинг ҳайкали қад ростлади. Ҳайкал орқасидаги деворга шоирнинг шеърларидан намуналар битилди.

Мактабнинг биринчи қаватида Абдулла Орипов музейи ташкил этилди. Музейга шоирнинг буюмлари, унга қилинган турли совғалар жойлаштирилди. Мактаб 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, 50 ўринли ётоқхона, 50 ўринли ошхона, 200 ўринли фаоллар залига эга. Мактабга ўқувчилар бешинчи синфдан танлов асосида қабул қилинади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев мактаб фаолияти билан танишди. Музей, ўқув хоналарида бўлди, мактаб ўқувчилари билан суҳбатлашди. Мактаб ўқувчилари Ибройим Юсупов, Муҳаммад Юсуф, Хамид Олимжон ва Зулфия номидаги мактаблар ўқувчилари билан онлайн боғланиб, мушоира ўtkазди. Ўқувчилар Абдулла Орипов шеърлари ва ўзлари ёзган шерлардан намуналар ўқиб берди. Давлатимиз раҳбари уларга Абдулла Ориповдек буюк шоир номига муносиб фарзандлар бўлиб камол топиш, ўз истеъодлари билан жаҳонга машхур инсонлар бўлиб етишиш тилакларини билдириди. Президентимиз бир груп ўқувчиларга совғалар топширди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ АБУЛ-МУЬЙИН АН-НАСАФИЙ ЗИЁРАТГОХИДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ

Қарши туманидаги Қовчин қишлоғида жойлашган Абул-Муъйин ан-Насафий қадимий зиёратгоҳлардан саналади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Абул-Муъйин ан-Насафий мақбарасини обод зиёратгоҳга айлантириш, зиёратчиларга зарур шароитлар яратиш, бу масканда кутубхона ташкил этиш, буюк олим асарларини халқимизга етказиш бўйича тавсиялар берган эди.

Айни пайтда мазкур зиёратгоҳда кенг кўламли қайта таъмирлаш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Абул-Муъйин ан-Насафий калом илмининг буюк намояндаларидан бири бўлиб, у Абу Мансур Мотуридий асос соган мотуридия таълимотининг дунёда кенг миқёсда тарқалишига катта ҳисса кўшган алломаларданdir.

У киши илму урфонда етуқ, зиёли бир оиласда улғайган. Аждодларидан аксарияти, айниқса, фиқҳ илми соҳасидаги улкан салоҳиятлари билан халқ орасида обрў қозонган. Абул-Муъйин ан-Насафийнинг катта бобоси Макхул Насафий Имом Мотуридийнинг шогирди бўлган. Бобоси Мұтамид ибн Макхул Насафий эса ҳанафий олимлар орасида машҳур эди. Абул-Муъйин ан-Насафий бошланғич илмни бобоси ва отасидан олади. Араб олими Хайриддин аз-Зириклий “Ал-Аълом” асарида ва Умар Ризо Каҳҳола “Муъжам ал-муаллифийн” асарида Абул-Муъйин ан-Насафийнинг 1027 йил Насаф (ҳозирги Қарши) шаҳрида туғилганлигини зикр этган. Унинг вафоти ҳакида эса аксар манбадарда 111 йил кўрсатилган.

Жаҳон кутубхоналарида сақланадиган Абул-Муъийн ан-Насафийнинг асарлари орасида “Табсират ал-адилла фи усул ад-дийн аъла тариқати Аби Мансур ал-Мотуридий”, “Бахрул-калом фи илмил калом” ва “Ат-тамҳид ли қоваъидит тавҳид” китоблари жуда эътиборли ҳисобланади. Унинг “Табсират ал-адилла фи усул ад-дийн аъла тариқати Аби Мансур ал-Мотуридий” (Дин асосларини имом Абу Мансур Мотуридий тариқатига биноан далиллар билан шарҳлаш) асарида мотуридия таълимоти далиллар билан шарҳланади. Олимнинг “Бахрул-калом фи илмил калом” асари мотуридия мактабининг калом илми бўйича асосий манбаларидан биридир.

Давлатимиз раҳбари уламолар билан сұхбатда буюк бобокалонимиз асарлари бугунги кун учун ҳам ғоят аҳамиятли экани, уларни қайта нашр қилиб, мазмун-моҳиятини ёш авлодга етказиш зарурлигини таъкидлади.

Президентимиз зиёратгоҳда сақланаётган қадимий Куръон нусхасини кўздан кечирди, уни асраб-авайлаш бўйича тавсиялар берди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЛИМОНЧИЛИК УЮШМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қарши туманидаги “Бахт” кўп тармоқли фермер хўжалигига ташриф буюриб, вилоятда амалга оширилаётган иқтисодий лойиҳалар билан танишди. 2001 йилда ташкил этилган “Бахт” фермер хўжалиги 278 гектар ерда чорвачилик, паррандачилик, туячилик, йилқичилик, қуёнчилик билан шуғулланади. 4 гектарда интенсив боғ, 1 гектар майдонда иссиқхона ташкил этилган. Хўжаликда ўтган йили 55 тонна гўшт, 355 тонна сут, 64 минг дона тухум, парранда гўшти, балиқ етиштирилган. Гўшт ва сут шу ернинг ўзида қайта ишланиб, ички бозорга тайёр маҳсулот етказиб берилмоқда. Давлатимиз раҳбари фермер хўжалигига қўшимча тармоқларни ишга тушириш ҳисобига янги иш ўринларини янада кўпайтириш бўйича тавсиялар берди. Шу ерда вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, аччиқ қалампир, коврак плантациялари ташкил этиш, чорвачилик, куркачилик мажмуалари, пистазор ва ёнгоқзорлар барпо этиш, сутни қайта ишлаш, асаларичилик лойиҳалари тақдимоти ҳам ўтказилди. Президентимиз ўрмон хўжаликларида интенсив усулда кўчат етиштириш ҳамда ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланишга оид лойиҳа билан танишар экан, Тошкент давлат аграр университети магистратурасини битириб, Шахрисабз туманида 4 сотих ерда 6 ойда 50 мингта 1 ёшли лимон кўчати етиштирган Акбар Сайдовнинг инновацион ишланмасига алоҳида тўхталди. Интенсив усулда, микроиклим шароитида парваришланган бу кўчатлар одатдагига қараганда икки баравар жадаллашган ҳолда ўсади. Лимончилик нафақат Қашқадарё воҳаси, балки мамлакатимиз учун сердаромад соҳалардан. Бу тармоқни ривожлантириш иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, қўшимча даромад манбайнин яратишга хизмат қиласи. Шу боис мазкур истиқболли йўналишни кўллаб-қувватлаш, Қашқадарё мисолида лимончилик уюшмасини ташкил этиш лозим, деди Шавкат Мирзиёев. Янги уюшмага “Агробанк” таъсисчилик қиласи.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ҚАРШИ ТУМАНИДАГИ “LT TEXTILE INTERNATIONAL” ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

Қашқадарё вилоятида тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, жараёнга хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш, маҳсулотларни экспортга йўналтириш бўйича тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017 йил Қарши туманида “LT Textile International” хорижий корхонаси, Қарши шаҳрида “Sulton Tex Group” хусусий корхонаси ва бошқа ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Давлатимиз раҳбари Қарши тумани “Қоратепа” қишлоқ фуқаролар ийғинидаги Файзобод қишлоғида жойлашган “LT Textile International” хорижий корхонасида бўлди. Президентимиз ўтган йил февраль ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи доирасида ушбу корхонада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишган, қурувчиларга ўз маслаҳат ва тавсияларини берган эди. Хитойлик инвесторлар маблағи эвазига бунёд этилган мазкур корхонанинг биринчи босқичи 2017 йил июль ойида фойдаланишга топширилди. Бу ерга Германия ва Швейцариядан замонавий ва энергиятежамкор тўқимачилик асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди. 700 дан ортиқ иш ўрни яратилди. 60 нафарга яқин ёшлар Хитойда касб маҳоратини ошириб қайтди. Корхонада пахта толаси қайта ишланиб, йилига 22 минг тонна ип-калава маҳсулоти ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Маҳсулотнинг асосий қисмини экспортга йўналтириш кўзда тутилган. Ўтган даврда 4 минг 600 тоннадан зиёд пахта толаси қайта ишланиб, 3,5 минг тоннадан зиёд ип-калава экспорт қилинди. Президентимиз хорижий корхона фаолияти билан танишди, ишчи-ходимлар билан мулоқот қилди. Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшадиган хорижлик инвесторларга барча шароит яратиб берилиши айтилди. Бизнинг асосий мақсадимиз экспорт фаолиятини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришлар, дели давлатимиз раҳбари.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ҚАРШИ
ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН
ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ



Шу кунларда мамлакатимизда буюк давлат ва сиёсат арбоби, мустақил Ўзбекистон давлати асосчиси, Биринчи Президентимиз ҳурматли Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг 80 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, меҳнат жамоалари, таълим масканларида юбилей тадбирлари ўтказилмоқда. Бугун қадимий ва гўзал Қарши шаҳрида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ҳайкали очилаётгани, албатта, бежиз эмас. Ўйлайманки, барчамиз, айниқса, сиз, азизлар бир ҳақиқатни яхши биласиз: Ислом Абдуғаниевич Қашқадарёни, унинг мард ва олижаноб элини буюк бир меҳр билан севар, бу заминни Ватан ичра Ватаним, деб ардоқлар эдилар. Биринчи Президентимиз сиёсий фаолиятининг унутилмас сахифалари айнан шу замин билан боғлиқ эканини барчамиз яхши биламиз. У киши яқин тарихимизнинг энг қийин ва мураккаб даврида – 1986-1989 йилларда Қашқадарё вилоятига раҳбарлик қилдилар. Тарихда “пахта иши”, “ўзбек иши” деб ном олган сиёсий кампаниялардан энг кўп азоб чеккан Қашқадарё вилояти учун Ислом Абдуғаниевичнинг раҳбар бўлиб келиши Яратганнинг бекиёс марҳамати бўлган эди. Турли зуғум ва қатағонлар авж олган ўша қалтис замонда у киши ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, чинакам мардлик ва жасорат фазилатларини намоён этдилар. Ислом ака минг-минглаб бегуноҳ одамларни зулм чангалидан қутқариб олганини Қашқадарё аҳли ҳеч қачон унутмайди. Меҳнаткаш ва матонатли бу эл Ислом Абдуғаниевични ўз фарзандидек қабул қилиб, унга туз-насиба бергани, озодлик ва адолат йўлидаги курашларда унга камарбаста бўлгани – бу ҳам ҳақиқат.

Ислом ака Қашқадарёга келса, ўз уйига келгандек, бу ердаги одамларни кўрганларида, энг яқин қадрдонларини кўргандек яйраб кетишлирига барчамиз кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Улуғ Йўлбошчимиз Қашқадарё – бу Оллоҳ назари тушган юрт, Ўзбекистоннинг беҳисоб бойликларга эга хазинаси, деб таърифлар эдилар. Қашқадарё аҳлини эса ҳар қандай шароитда ҳам ишонса бўладиган, меҳр-оқибат ва одамийликни жойига қўядиган жасур ва мардона эл, деб эъзозлар эдилар. Чироқчидаги оддий чўпондан тортиб, Шахрисабздаги моҳир усталаргача, Муборакдаги газчилар, Ғузордаги миришкор фермерлардан тортиб, Қамашидаги полвонлар, Дехқонободдаги баҳшиларгача – ҳаммаси Ислом аканинг кўнглига яқин ва қадрли эди.

У киши сиз, азизларнинг эзгу фазилатларингиз учун доимо миннатдор бўлиб яшадилар. Яхшиликнинг қадрига етадиган Қашқадарё эли ҳам ўзига доимо елкадош бўлган, шу заминга буюк фарзандлик меҳри билан яшаган Ислом Каримов билан ҳамиша фахрланади. Сизлар билан 2016 йил 16 ноябрда, Президент сайлови арафасида бўлган учрашувда Қарши шаҳрида Биринчи Президентимиз ҳайкалини барпо этиш ҳақида келишиб олган эдик. Бугун ана шу эзгу ниятимиз амалга ошмоқда. Ислом Абдуғаниевичнинг бу қутлуғ масканда очилаётган улуғвор сиймосида у кишининг ўзи севган Қашқадарё заминига юксак меҳри ва эътиборини кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Сизларга маълум, Биринчи Президентимизнинг Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида барпо этилган муazzзам ҳайкаллари бугунги кунда юртдошларимиз учун қутлуғ зиёратгоҳга айланди. Ишончим комил, бугун Қарши шаҳрида очилаётган муҳташам обида ҳам Қашқадарё аҳли, бутун эл-юртимиз катта меҳр ва ҳурмат билан талпинадиган табаррук масканга айланади.

Ислом Абдуғаниевич Қашқадарё вилоятини Ўзбекистоннинг ривожланган минтақаларидан бирига, Қарши ва Шахрисабзни дунёдаги энг гўзал шаҳарларга айлантиришни истар эди. Ана шу улуғ мақсадни амалга ошириш учун мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз раҳбарлигида жуда кўп ишлар қилинди. Айниқса, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Дехқонбод калийли ўғитлар заводи, Тошгузар – Бойсун – Кумқўрғон темир йўли каби ноёб иншоотлар айнан Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканини барчамиз чуқур миннатдорлик билан эслаймиз. Биринчи Президентимиз ташаббуси билан Қарши ва Шахрисабз шаҳарларининг 2700 йиллик, Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик тарихий саналари халқаро миқёсда кенг нишонланди. У киши имзо чеккан тарихий қарорга мувофиқ, Қашқадарё аҳли, бутун халқимизнинг фидокорона меҳнати билан Шахрисабз шаҳрида жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани сизларга яхши маълум. Қашқадарё вилоятида бу ишлар ҳозирги кунда янада кенг миқёсда давом эттирилиб, янги босқичга кўтарилимоқда. Вилоят худудида ўнлаб замонавий корхоналар, йўл ва кўприклар, янги-янги таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Айниқса, Қарши – Шахрисабз йўналишида юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар қатновини йўлга қўйиш, Абу Муъин Насафий бобомизнинг ёдгорлик мажмуасини барпо этиш, шу йилнинг куз ойида Шахрисабзда халқаро мақом анжуманини ўтказиш ва бошқа катта лойиҳалар бўйича жадал иш олиб борилмоқда. Бундай улкан ишлардан халқимиз рози бўлади, муҳтарам Ислом Абдуғаниевичнинг рухлари шод бўлади, деб ўйлайман. Биринчи Президентимиз ilk бор 1986 йилда – юртимиз осмонини қора булут қоплаган қалтис бир пайтда Қашқадарёга келган эдилар. Ўша даврдан бошлаб умрининг сўнгги кунларигача бу саховатли замин билан, унинг олижаноб халқи билан бирга бўлдилар.

Азиз Юртбошимизнинг вилоятларимизга қилган охирги ташрифи ҳам айнан Қашқадарё воҳасига бўлган эди. Ўйлайманки, бунда ҳам жуда катта маъно бор. Бугун очилаётган муҳташам ҳайкал тимсолида Ислом Абдуғаниевич ўзи учун беҳад қадрли бўлган Қашқадарё аҳлига тинчлик-омонлик, баҳт-саодат тилаб, гўё бу қутлуғ заминга фарзандлик меҳри билан таъзим қилаётгандек туюлади. Орадан йиллар, асрлар ўтади, бу муazzам обида барчамиз, айниқса, ёшларимиз учун халқимиз ва Ватанимизга садоқат билан хизмат қилиш рамзи бўлиб қолади, Қашқадарё аҳлини буюк марраларга даъват этиб туради. Фурсатдан фойдаланиб, бу гўзал ва бетакрор мажмуани барпо этишда иштирок этган ҳайкалтарош ва меъморларга, қурувчиларга, бу ишга ҳисса қўшган барча инсонларга, бутун Қашқадарё аҳлига чуқур миннатдорчилик билдираман.

Мустақил Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Қашқадарё замини ҳамиша гуллаб-яшнасин!

Ислом Абдуғаниевичдек мард ва фидойи инсонларни тарбиялаб вояга етказган халқимиз доимо омон бўлсин!

Улуғ устозимизнинг охиратлари обод бўлсин!

САМАРҚАНДДА ИСЛОМ КАРИМОВ МАҚБАРА МАЖМУАСИ ОЧИЛДИ

Буюк давлат ва жамоат арбоби туғилиб ўсган Самарқанд шаҳрида 30 январь куни Ислом Каримов хотирасига атаб бунёд этилган мақбара мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда мамлакатимиз жамоатчилиги вакиллари, юртимизнинг барча ҳудудларидан келган фаоллар, нуронийлар, ёшлар иштирок этди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллиги ва янги давлатчилигимиз асосчиси, буюк сиёsatчи ва оқил ислоҳотчи Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширган ишлари Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирганини таъкидлади. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг 25 йил ичида ички ва ташқи сиёsatда ўз йўлини танлаб, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин ва мавқега эга бўлиши, дунё давлатлари билан тинчлик-барқарорлик, тенглик ва ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишида Биринчи Президентимизнинг пухта ўйланган қарорлари муҳим аҳамият касб этди. Ислом Каримовнинг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлатимиз тараққиёти йўлида ўз хузур-ҳаловатидан кечиб, юксак фидойилик кўрсатиб, меҳнат қилгани халқимиз учун ибрат намунаси бўлиб қолди. Буюк давлат ва сиёsat арбоби Ислом Каримов 2016 йил 3 сентябрь куни ўз васиятига кўра, Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Хизр масжиди мажмуасида дафн этилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташабbusи билан бу ерда Биринчи Президентимизнинг давлатимиз ва халқимиз олдидаги буюк хизматларига муносиб улуғвор мақбара мажмуаси қуришга қарор қилинди.

“Бу табаррук маскан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг азиз ва ардоқли фарзанди Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг мангу оромгоҳидир”. Ушбу сўзлар мажмууга кираверишда ўрнатилган мармар лавҳада ўзбек ва инглиз тилларида ёзиб қўйилган. Ёдгорлик мажмуасини барпо этиш ишлари ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилди ва бутун жаҳон маданий меросининг объектларидан бири ҳисобланган Ҳазрати Хизр масжидига уйғун мақбара лойиҳаси тасдиқланди. Мажмуа қурилишига юртимизнинг турли ҳудудларидан маҳоратли қурувчилар, уста ва ҳунармандлар жалб этилди. Мақбара учун хориждан қимматбаҳо тошлар, айвон устунлари ва зина панжаралари, ёзувли оқ оникс ва оникс тошлари келтирилди. Мақбара ичида оқ қабр тоши ўрнатилди. Деворлар қимматбаҳо тошлар билан безатилиб, уларга олтин суви билан ишлов берилди. Мақбаранинг пастки қисми яшил оникс тошлар билан қопланган. Гумбази Ҳазрати Хизр мажмууси билан ҳамоҳанг тарзда барпо этилди. Мажмуа ҳудудида миллий услубдаги айвон бунёд этилди. Бу ерда зиёратга келувчилар учун ҳар томонлама қулай шароит яратилган, ўриндиклар қўйилган. Айвон пештоқларида Куръони карим оятлари ҳамда Ислом Каримовнинг ҳикматли сўзлари ўзбек, араб ва инглиз тилларида ёзилган. Зиёратчиларга қулайлик яратиш мақсадида лифт, имконияти чекланганлар учун кўтаргич мосламалар ўрнатилди. Замонавий тунги ёритиш тизими яратилди. Ислом Каримов кўчасини мажмуа билан боғловчи кўприк барпо этилди. Қурилиш жараёнида Ҳазрати Хизр масжиди ҳам реставрация қилинди, минора керамика тошлари билан безатилди. Мажмууга олиб борувчи йўлакларга гранит тош терилди. Бельгиядан келтирилган каштан (қорақайин), талпа, шунингдек, Крим қарағайи, можжевельник (қора арча), бутасимон дарахтлар экилди, яшил майсазорлар ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги бир йилдан кўпроқ вақт давомида Самарқандга ҳар бир ташрифи чоғида мажмуа қурилиши жараёни билан яқиндан танишди. Ушбу масканни юртимизнинг энг қутлуғ қадамжоларидан бири сифатида обод қилиш, зиёратчилар учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш борасида маслаҳат ва тавсиялар берди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов мақбарасини зиёрат қилиб, Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Қуръон тиловат қилинди. Мехнат фахрийси Тўлқин Аҳмаджонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Хосият Бобумуродова, Самарқанд шаҳридаги Fafur Fулом номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олимжон Faфуров, Биринчи Президентимиз рафиқаси Татьяна Каримова ушбу мажмуа давлатимиз ва халқимизнинг Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига бўлган юксак ҳурмат-эҳтироми сифатида қутлуғ зиёратгоҳ бўлишини таъкидлади. Тадбир иштирокчилари мақбарани зиёрат қилиб, гуллар қўйдилар. Маросимдан сўнг давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Регистон майдони яқинида ўрнатилган Ислом Каримов ҳайкали пойига гул қўйди. Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида ташкил этилган эҳсон ошида иштирок этди. Шу куни Ислом Каримов мақбара мажмуасига Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган фаоллар, кенг жамоатчилик, турли идора ва ташкилотлар вакиллари, Самарқанд вилояти аҳолиси томонидан гуллар қўйилди. Биринчи Президентимизнинг порлоқ хотираси ёд этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

АҚШ СИЁСАТЧИЛАРИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОҲОТЛАРИНИ ҚУВВАТЛАМОҚДА

Сўнгги вақтларда Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Халқаро эксперtlар, сиёсатшунослар, таҳлилчилар, Марказий Осиё минтақаси билан қизиқувчи томонлар Ўзбекистонда кечаётган мазкур ўзгаришларни диққат билан кузатиб, олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида ўз хулосаларини баён этмоқда. Ўзбекистондаги фуқаролик жамияти ва ноҳукумат ташкилотлар фаолияти, таълим соҳасидаги муаммолар, янги қарорлар ҳамда ахборот воситалари, журналистика оламида кузатилаётган ва кузатилмаётган силжишлар ҳақида халқаро миқёсда турли доираларда ташкил этилаётган мулоқотлар сони сўнгги вақтларда бирмунча ортди. Ана шундай давра суҳбатлари Вашингтонда ҳам ташкил этилиб, мулоқот давомида йирик таҳлил марказлари вакиллари "Ўзбекистонда ислоҳотлар даври энди бошланмоқда", дея хулоса қилмоқда.

Фредерик Стэрр (Frederic Starr), Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари, Вашингтоннинг минтақа бўйича етук мутахассислардан. Стэрр Марказий Осиё ва Афғонистон бўйича кўплаб илмий мақолалар ва китоблар муаллифи. Узоқ йиллар давомида АҚШнинг нуфузли илм даргоҳларида дарс берган, жумладан, Жонс Хопкинс университетида. Стэрр “Афғонистон Марказий Осиёнинг бир қисми ва унинг келажаги шимолдаги қўшнилар равнақи билан чамбарчас боғлиқ”, дея интеграцияга унданб қелади. Минтақа тарихи, сиёсий ва маданий онги, қолаверса, мавжуд вазият ҳақида яхши билиш учун ҳукуматлар билан мулоқот қилмай туриб, бирор ҳудуд ва халқ ҳақида аниқ маълумот йиғиш мумкин эмас. Назаримда Ўзбекистонда бошланган ислоҳотлар реал, бироқ уларнинг қанча давом этиши, ўзгариш учун хоҳиш қанчалик кенг ва чуқур эканини жараённи қадамма-қадам кузатмай билиш қийин. Мамлакат олдида улкан довонлар турибди. Ислоҳот дастурларини кўздан кечириб, уларга ёрдам бериш керак.

Ўтган бир йил ичида бир нарса ойдинлашди. Марказий Осиёning беш давлати ва Афғонистон бирга ишлашга қодир ва бунинг учун хоҳиш етарли. Улар агар “биз бирлашмасак, бошқалар бундан фойдаланиб, бизнинг манфаатларимизни четга улоқтириб, бизни ўз фойдалари учун ишлатишади”, дея очиқ айтмоқда. Бу давлатлар ҳар бир мамлакатнинг ташқи сиёсатида минтақавий манфаатларни ҳисобга олиш ва ўзаро келишув асосида ҳаракат қилишга аҳд қилишган. Ўзбекистон ва Қозоғистон, минтақанинг икки йирик республикаси етакчиликни қўлга олаётгани ижобий ҳолдир.

Ричард Вайтз (Richard Weitz), Гудзон институти олими, Европа, Евросиё ва Шарқий Осиёдаги сиёсий ва ҳарбий масалалар бўйича эксперт, АҚШ давлат хавфсизлиги билан боғлиқ мавзулар таҳлилчisi. Вайтз Россия, Хитой, Эрон ва АҚШ ташқи сиёсати ҳақида ўнлаб мақолалар ёзган. Марказий Осиё Farb учун стратегик жиҳатдан қанчалик муҳим эканига урғу бериб келади. Вайтз Ўзбекистон ва қўшни мамлакатларда бир неча бор сафарда бўлган. -Тошкент ҳарбий ташкилотларга бош қўшмоқчи эмас ва ўз ҳудудига ҳам хорижий қўшин киритмаслик қарорида қатъий. Мазкур позиция ўзгармас эканига ишонч етарли. Йирик давлатлар билан жумладан, Россия, Хитой, АҚШ, шунингдек, Европа Иттифоки билан алоқа унчалик ўзгармаган. Ўзбекистоннинг НАТО ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти сингари катта сиёсий блоклар билан ҳамкорлигига янгилик йўқ. Менга маълум бўлган жиҳатлар шуки, Президент Мирзиёев назарида дунё билан алоқаларни тебратиш учун масъул Ташқи ишлар вазирлиги ўз олдидаги вазифаларни ҳозирги ҳолида бажаришга қодир эмас. Январь ойининг ўртасида Президент вазирлик ҳақида қилган мажлисида вазирдан тортиб элчилар, дипломатлардан тортиб бошқа тегишли мутасаддиларни лаёқатсизликда, ишига нисбатан лоқайдлик ва уқувсизликда айблаб, ҳукуматнинг бу қисмини тубдан ислоҳ қилишга бел боғлаганини айтди. Яқин келажакда бу борада ҳам катта ўзгаришлар бўлишига ишонч билдириди, Президент.

Шон Робертс (Sean Roberts), Жорж Вашингтон университети профессори, АҚШ
Халқаро Тараққиёт Агентлигиде ишлаган, хусусан, Марказий Осиёдаги лойиҳалар
амалиёти билан шуғулланган. Сиёсий-ижтимоий мавзуларда илмий ишлари билан
танилган минтақашунос. Евроосиё ва Хитой ҳамда туркий халқлар ҳаёти унинг асосий
эътиборида. Ўзбекистонга яқинда сафар қилиб, бугунги муҳит билан
танишган. Ўзбекистонда ноҳукумат ташкилотлар фаол, лекин улар аслида мустақил эмас,
хукумат назоратидаги ва қўштириноқ ичидағи фуқаролик жамияти ҳисобланади. Бу жиҳатдан
ҳали катта ўзгаришлар сезилмайди, лекин мазкур ташкилотлар жамиятдаги муҳим масалаларга
ечим қидириш, аҳолига ёрдам бериш ва имкон қадар ўз таклифларини олға суриш билан машғул
бўлаётгани қувонарли. Демократик муҳитларга хос, том маънода мустақил ва ўз ғоя ва
мақсадларини олға сура оладиган фуқаролик жамияти шаклланиши учун Ўзбекистонда ҳали кўп
ўзгаришлар бўлиши лозим.

Себастиян Пейруз (Sebastien Peyrouse), Жорж Вашингтон университети профессори,
Француз тадқиқотчisi, сиёsat ва тараққиёт масалаларини ўрганади. Пейруз Ўзбекистон
ва қўшни давлатлардан изланишлар олиб борган. Минтақа ҳақида ўнлаб илмий-таҳлилий
мақолалар ёзган. Марказий Осиё қаторида Кавказдаги вазиятга ҳам қизиқади. Геосиёsat,
мафкура, дин ва таълим Пейрузниң диққат марказида. Илм-фан, таълим йўналишида катта
ўзгаришлар юз бермоқда ва янги силжишлар кутилмоқда. Президент Мирзиёев айнан таълимга
тинимсиз урғу бермоқда. Шахсан ўзи туб муаммоларни кўтариб чиқаётir, оиладан тортиб
боғчагача, бошланғич синфдан тортиб ўрта мактаб, касб-хунар ўкув юртлари,
университетлардаги таълим сифатини ошириш зарурлиги ҳақида гапирмоқда. Ўзбекистонда
олий таълимга талаб катта, лекин шароит йўқ. Университет ва институтларда ўқиш аксарият
аҳолининг молиявий қурби етмайдиган имконият. Таълим ҳақи йил сари осмонга чиқар экан,
республикага зарур кадларни етиштириш ҳам қийинлашаверади. Ўқитувчиларнинг маоши жуда
паст экани ҳам муҳим омил. Коррупция энг чуқур илдиз отган соҳалардан бири ҳам шу.

Ўтган бир йил ичида бир нарса ойдинлашди. Марказий Осиёning беш давлати ва **Навбаҳор Имомова**, "Америка Овози" тележурналисти, узоқ йиллардан бери АҚШнинг Марказий Осиёга нисбатан сиёсати ва минтақа билан алоқаларини ёритиб келади. Вашингтонда танилган ўзбек мутахассис. Касбий фаолиятини Ўзбекистонда бошлаган. Ҳиндистон ва АҚШ университетларида журналистика соҳасида ўқиган. Гарвард университетининг давлат бошқаруви бўйича Жон Кеннеди номидаги олий мактабини битирган. -Онлайн, яъни интернетга асосланган ахборот манбалари фаоллашди ва ранг-барангашди – мазмун ва кўлам жиҳатдан. Ўзбекистондаги ҳаётни кенгроқ ёритишга интилаётган, қизиқарли материаллар бераётган, маҳаллий манбаларга таяниб, мунтазам ахборот узатаётган воситалар кўпайди. Жамоатчилик фикрига эътибор ошди. Маҳаллий мутахассислар, жамоатчи фаоллар ва оддий фуқаролар ҳам бугун Ўзбекистон ахборот воситаларида кўпроқ сўзламоқда, фикр алмашмоқда. Бу узоқ йиллар фақат расмий хабарларни бериш билан банд бўлган матбуот учун прогресс. Эркинлик шабадаси эса бошлади, дейдиган журналистлар кўп, лекин малака ва уқув пастлиги туб муаммо бўлиб қолмоқда. Ўткир журналистлар етиширадиган даргоҳлар вужудга келиши керак. Журналистика таълимида ислоҳотлар зарур. Ачинарлиси, ҳукуматнинг ахборот воситаларига нисбатан муносабати ва ёндашуви ўзгармаган. Давлатнинг иши уларни назорат қилиш эмас, уларни ўзига бўйсундириш, ахборот оқимини тўсиш эмас, балки ҳалқа унинг фаолияти ҳақида ҳаққоний ва холис хабарлар етиб боришини таъминлашдан иборат бўлиши керак. Дунёда ҳукумат борки, информацион таъсирга эга бўлишни хоҳлайди ва шунга ҳаракат қиласи. Лекин бу журналистларнинг эркинлигини бўғиш ёки ахборот воситаларини ўз изнига олиш дегани эмас. Бугунги Ўзбекистонда ҳамон шунга гувоҳмиз ва эркинликка эришиш йўлида қилинадиган ишлар талайгина. Ислоҳотлар самара берсин десак, нафақат журналистлар, балки ҳукуматнинг ўзи ҳам профессионаллашиши керак. Ҳалқ ишончли ахборотга эга бўлиши керак. Бу эса ҳукуматнинг ҳам тўғри ахборотга эга бўлишини талаб қиласи. Демак, журналистлар мана энди ҳақиқий информацион элчиларга айланиши керак бўлади. Мутасаддилар матбуот ходимлари билан ишлашни ўрганиб, журналистлар мустақил томон бўлиши шартлигини тан олиб, улар билан касбий этикага асосланган ҳамкорлик ўрнатмас экан, ахборот воситалари ҳалқ ва давлат орасидаги кўприк бўла олмайди.

Жон Хербст (John Herbst), 2000-2003 йилларда АҚШНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ, 2003-2006 йилларда эса Украинадаги әлчиси бўлган. Ҳозирда у Атлантика Кенгашида етакчи эксперт, истеъфодаги дипломат. Вазифаси Евроосиёдаги сиёсий динамикани таҳлил қилиш ва АҚШ хукуматига маслаҳат бериб туриш. **Собиқ иттифоқ бўйича катта тажрибага эга арбоб саналади.** - Ўтган бир йил ичида Тошкент ташлаган қадамларга қараб, бу мамлакатда сиёсий-бизнес элита Президент атрофида бирлашганини кўриш мумкин. Мирзиёевга яккаҳоким деб қарай олмаймиз. Президент қарорларни ўзи билганича қилаётгани йўқ, у уюшган элитага таянмоқда. Президент халқнинг ишончини қозониш орқали норози томонларни ўзига бўйсундирмоқда. Шу билан Мирзиёев уста сиёсатчи эканини намоён қилмоқда. Айтаётган гаплари, ташлаётган эҳтиёткор қадамлари билан ҳаммани синовдан ўтказмоқда, таваккал ҳам қилаётгани аниқ. Ўзбекистон Россия ва Хитой билан туташмагани унга устунлик беради. Вашингтон у билан шу боис ҳам яқиндан ишлаши керак. Ва бир нарсани эсда тутиш лозим: Ўзбекистон тобора ўзгариб, эркинлашиб бориши учун ёрдам зарур, лекин демократия ва матбуот эркинлигига эришиш учун ўнлаб йиллар керак бўлади. Сиёсий менталитет янгиланиши, халқ эркинлик ва қонун устуворлиги деган қадриятларга ўрганиши учун нафақат сабр-қаноат зарур, балки қаттиқ меҳнат ҳам қилиш зарур. Ислоҳотлар факат Президентга боғлиқ эмас, ўзгариш қилиш факат унинг қўлида эмас. Лекин давлат раҳбари халқига бу борада етакчилик қилиши зарур.



АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ – АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2 февраль куни экологик ҳолатни яхшилаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни таҳлил этиш, энг долзарб вазифаларни белгилаб олишга бағишлиланган йиғилиш бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 21 апрелдаги фармонига мувофиқ, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қайта ташкил этилиб, унинг зиммасига экологик ҳолатни яхшилаш, майший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, ташиб, утилизация қилиш ва қайта ишлаш борасида кўплаб вазифалар қўйилди. Шунингдек, 2017-2021 йилларда майший чиқиндилар билан боғлик ишларни тубдан яхшилаш юзасидан комплекс дастур қабул қилиниб, молиялаштириш манбалари аниқ белгилаб берилди. Тизимда 13 та “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхонаси ва уларнинг 174 та туман (шаҳар) филиали ташкил этилди. Ушбу унитар корхоналар балансига 1 минг 300 та маҳсус техника, 1 мингта чиқинди тўплаш майдончasi, 5 минг 800 та контейнер ва 172 та полигон ўtkazildi. Ўтган йили қўшимча 305 та чиқинди тўплаш майдончasi қурилиб, 2 мингдан зиёд контейнер билан жихозланди. Республика бўйича жами 295 та полигон тўлиқ хатловдан ўtkaziliб, уларнинг кадастри тузилди, 97 та чиқинди полигони тартибга келтирилди. Қўмита қошида майший чиқиндилар билан боғлик масалаларни назорат қилиш инспекцияси ташкил этилди. Бироқ, бу соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар ва қилинадиган ишлар жуда кўп. Масалан, юртимизда 53 фоиз аҳолига санитартозалаш хизмати кўrsatiladi, холос. Шундан атиги 15 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келади. Деярли барча қишлоқларда майший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш ва ташиб умуман йўлга кўйилмаган.

Йиғилишда шу каби камчилик ва муаммолар танқидий таҳлил қилиниб, тизим олдидағи долзарб вазифалар белгилаб берилди. Экология ва атроф-мухитни мухофаза қилиш давлат құмитасига тегишли вазирліклар билан биргаликда шаҳарларда чиқинди йиғиш шохобчаларини тартибга солиш, қишлоқ аҳоли пунктларида санитар-тозалаш хизматларини ривожлантириш бўйича 5 йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Ушбу дастурда кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли сонидан келиб чиқиб, чиқинди йиғиш майдончаларини намунавий лойиҳалар асосида оптималь ташкил этиш, чиқинди ташиш маҳсус техникалари харидини кўпайтириб, қишлоқ аҳолисини санитар-тозалаш хизматлари билан босқичма-босқич қамраб олиш, давлат-хусусий шериклик принципи асосида “Тоза ҳудуд” унитар корхоналари буюртмасига кўра соҳада тадбиркорлар иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари назарда тутилади. Маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳақида сўз борар экан, Президентимиз хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва кенг жорий этиш зарурлигини таъкидлади. Германия, Бельгия, Япония, Голландия, Швеция каби мамлакатларда 60-65 фоиз маиший чиқинди қайта ишланади, 20-25 фоизидан энергия олинади, қолган қисми ёқилади. Яъни чиқиндини полигонларда кўмишга ҳам эҳтиёж йўқ, деди Шавкат Мирзиёев. Бунинг натижасида ер ресурслари тежалади, иқтисодий самарага эришилади ва атроф-мухитга салбий таъсир камаяди. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда мамлакатимизнинг 9 та шаҳрида чиқиндини йиғиш ва қайта ишлаш кластерларини ишга тушириш бўйича топшириқ берилди. Бу борада Сурхондарёда ташкил этилган кластер фаолияти намуна қилиб кўрсатилди. Шунингдек, Фарғона водийси, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларида амалга ошириладиган чиқиндини қайта ишлаш лойиҳалари бўйича инвесторлар билан битимлар имзолаш, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш юзасидан “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Маишний чиқиндиларни утилизация қилиш ишларини тизимли ташкил этиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Пластик, полиэтилен ва бошқа қадоқлаш материалларини тўплаш, утилизация қилиш ёки қайта ишлашга топширишда иштирок этаётган юридик ва жисмоний шахсларни рағбатлантириш механизмини жорий қилиш зарурлиги қайд этилди. Атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш соҳасида давлат назоратини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Масалан, Андижон, Ангрен, Бухоро, Навоий, Фарғона, Олмалиқ, Бекобод, Чирчик, Тошкент ва Нукус каби саноатлашган шаҳарларда ҳавонинг чанг билан ифлосланиш даражаси санитар меъёрдан ўрта ҳисобда 2,7 баробар органи кузатилган. Шу боис, Экология давлат қўмитаси мутасаддиларига халқаро тажриба асосида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Миллий концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Йиғилишда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси обьектларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, муҳофаза этиладиган ҳудудларни кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Масалан, ўтган йили ҳайвонот ва ўсимлик дунёси бўйича 3 минг 782 та ҳуқуқбузарлик ва браконъерлик ҳолатлари аниқланган. 8 та давлат қўриқхонасидан 6 таси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасида, 2 таси Геология ва Экология қўмиталари тасарруфида бўлиб, уларни бошқаришда ягона тизим мавжуд эмас. Шу боис, қўриқхоналарни ягона давлат органига бириктириш масаласини ўрганиб, асосли таклифлар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Чиқиндиларни тўплаш ва ташиш ишларини доимий назорат қилиш, аҳолининг бу борадаги маданияти ва масъулиятини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги ишлар замирида одамларнинг соғлиғи, турмуш фаровонлиги ётибди. Шу боис, бу масала билан ҳар бир туманда ва доимий шуғулланиш керак, деди давлатимиз раҳбари. Муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берилди.

АНГЛИЯНИНГ “МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД” КЛУБИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛАДИ



Хабарингиз бор, 1979 йил 11 август куни Тошкентнинг “Пахтакор” клуби авиаҳалокатга учраб, ўзбек халқи ўзининг жонажон футболчиларидан айрилган. Афсуски, бу футбол тарихидаги ягона авиаҳалокат эмас.

Бундай фожиалар бошқа жамоалар билан ҳам рўй берган. Куйида авиаҳалокатга учраган футбол жамоалари рўйхати билан танишишингиз мумкин:

4 май 1949 йил — “Торино” (Италия)

6 февраль 1958 йил — “Манчестер Юнайтед” (Англия)

16 июль 1960 йил — Дания терма жамоаси

3 апрель 1961 йил — “Грин Кросс” (Чили)

26 сентябрь 1969 йил — “Стронгест” (Боливия)

31 декабрь 1970 йил — “Эйр-Ликвид” (Жазоир)

11 август 1979 йил — “Пахтакор” (Ўзбекистон)

8 декабрь 1987 йил — “Альянса Лима” (Перу)

7 июнь 1989 йил — Голландия футболчилари

27 апрель 1993 йил — Замбия терма жамоаси

28 ноябрь 2016 йил — “Шапекоэнсе” (Бразилия)

Хотира муқаддас ҳисобланади. Жумладан, “Пахтакор-79” ёди ҳеч қачон ўзбек футболи мухлислари хотирасидан ўчмаслиги аниқ. Ўзбекистон футбол ассоциацияси авиаҳалокатга учраган футбол жамоалари хотирасини ёд этиш мақсадида Халқаро хотира турнирини ташкил этиш ғоясини илгари сурди. ЎФА “Манчестер Юнайтед”нинг россиялик собиқ футболчиси Андрей Канчельскисга қарашли “Халқаро хайрия фонди” билан ҳамкорликда шу йилнинг июль-август ойларида Ўзбекистонда Хотира турнирини ташкил этишни режалаштирумокда. Мазкур мусобақага авиаҳалокатга учраган барча жамоалар вакиллари таклиф этилади ва бутун Ўзбекистон бўйлаб улар билан ўртоқлик учрашувлари ўтказилади. Мазкур турнирдан хайрия мақсади ҳам кўзланган бўлиб, учрашувлардан тушган маблағлар авиаҳалокатга учраган футболчилар оила аъзоларига тақдим қилинади

ШИМОЛ ВА ЖАНУБНИ ЯҚИНЛАШТИРАЁТГАН СПОРТ



Маълумки, Жанубий Кореяning Пхёнчхан шаҳрида шу йил 9-25 февраль кунлари навбатдаги қишки Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади. Унда Шимолий кореялик 22 нафар спортчи ҳам қатнашади. Корея Халқ Демократик Республикасидан келадиган мазкур делегацияга ушбу давлат Юқори халқ мажлиси президиуми раиси Ким Ён Нам бошчилик қиласди. Бу ҳақда “Yonhap” ахборот агентлиги хабар берди. КХДР Конституциясига кўра, Юқори халқ мажлиси президиуми раиси давлат миқёсидаги юқори мартабали мансабдор шахс ҳисобланади. Манбага кўра, Ким Ён Нам 9 февраль куни уч кунлик ташриф билан Жанубий Кореяга келади, Олимпиада ўйинлари очилиш маросимида иштирок этади. У охирги тўрт йилда ушбу давлатга расмий Пхенъян номидан келган биринчи юқори мартабали меҳмон бўлади. Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин Шимолий Корея вакили билан учрашишни режалаштироқда. Расмий Сеулнинг фикрича, бу Шимолий Кореяни икки давлат ўртасидаги алоқаларни яхшилашга тайёрлигини ва мамлакатлар саъи-ҳаракатларининг ҳаққоний эканлигини кўрсатмоқда. КХДР делегацияси таркибига Ким Ён Намдан ташқари яна уч нафар юқори мартабали мансабдор шахс ва уларнинг 18 нафар ёрдамчиси киритилган. Ҳар икки давлат спортчилари “Ягона Корея” шиори остида битта байроқ остида мусобақаларнинг очилиш маросимида ўтишади. Ушбу қишки Олимпиада ўйинларида ҳар икки давлат спортчилари иштирок этиши ҳақида 9 январь куни бўлиб ўтган юқори даражадаги музокараларда маълум қилинган эди. Эслатиб ўтамиз, Жанубий Корея ва Шимолий Корея вакиллари Корея ярим ороли байроғи остида охирги марта бундан 2006 йил Италияning Турип шаҳри мезбонлик қилган қишки Олимпиада ўйинларида кўриниш беришганди.

Хурматли ёш олимлар, магистрантлар ва талабалар!

Сизни 2018 йилнинг 12-13 апрель кунлари ТИҚХММИда ўтказиладиган

“Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари” мавзусидаги
анъанавий XVII - ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг
илмий-амалий анжуманига таклиф этамиз.

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

“Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари”

мавзусидаги анъанавий

**XVII-ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг
илмий-амалий анжумани**

АҲБОРОТ ҲАТИ

Анжуманинг асосий мақсади:

Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммоларини ечиш
мақсадида илмий-услубий ва ҳукуқий асосларни такомиллаштириш
ҳамда кадрларни тайёрлаш борасида ёш олимлар, магистрантлар ва
иктидорли талабаларнинг илмий изланишлари натажаларини
муҳокама этиш ва оммалаштиришдан иборат.

Анжуманда қуидаги илмий йўналишларда иш олиб борилади:

Шўй ба	Анжуман йўналишлари номи
1.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммолари;
2.	Сув ресусларини бошқариш, экология ва атроф муҳит муҳофазаси муаммолари;
3.	Гидротехника ва Гидроэнергетика муаммолари;
4.	Қишлоқ хўжалигини механизациялаш муаммолари;
5.	Гидромелиоратив ишларни механизациялаш муаммолари;
6.	Қишлоқ ва сув хўжалигнинг энергетика ва автоматлаштириш соҳаларида замонавий энерготежкамкор технологияларни қўллаш;
7.	Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва муҳофаза қилиш муаммолари;
8.	Сув хўжалигида иқтисодий муаммолар, менежмент ва маркетинг;
9.	Сув хўжалиги масалаларида математик моделлаштириш усуллари ва ахборот технологияларини қўллаш;
10.	Хаёт фаолияти хавфсизлиги масалалари;
11.	Сув хўжалигида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий, педагогик маънавий омиллари.

Расмийлаштиришга оид талаблар:

Матн ўзбек, рус ва инглиз тилларида қабул қилинади. Тақдим қилинадиган материал аннотация, матн, жадвал расм ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати билан 3 бетдан иборат бўлиши, А-4 ўлчамли оқ қоғозда тўлиқ саҳифаланиб, Word 2003 тахирлагичда Times New Roman 12 шрифтида 1 интервалда пухта тахирланган ҳолда тайёрланиши керак. Электрон шакли билан (флешкада) тақдим этилади. Матн ўнг томонидан 2.2 см., чап тамонидан 2.3 см., юқоридан 2 см., пастдан 2 см. дан хошия қолдириб тайёрланади.

Маъруза сарлавҳаси катта харфлар билан марказлашган ҳолда қорайтириб ёзилади, кейинги қаторга муаллиф(лар)нинг Ф.И.Ш. ўқиш (иш) жойи кўрсатилади. Сўнгра бир интервал ташлаб мавзунинг аннотацияси, кейин асосий мақсади берилади ва яна бир интервал ташлаб асосий матн жойлаштирилади.

2018 йилнинг ИТИ режасига киритилган мавзулар, ТИЖда ўрганилган мавзуларда иқтидорли талабаларнинг иштироки, шунингдек, Илмий амалий анжуманга талаба томонидан топшириладиган илмий мақолаларнинг долзарблиги, натажаларини назарий таҳлили ва хаққонийлигини таъминлаш илмий раҳбар ва кафедра мудирлари зиммасига юклатилиб, экспертиза далолатномаси тўлдирилган ҳолда **2018 йилнинг 31-мартигача** қабул қилинади. Талабга жавоб бермайдиган материаллар қабул қилинмайди. Мақолалар ўзгартиришларсиз чоп эттирилади.

Экспертиза далолатномасининг бланкасини **Илмий тадқиқотлар ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш бўлими (Ғ.Фозиев)**дан оласиз.

Ташкилий қўмита манзили: 100000 Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти. ИТваИПКТ бўлими. Тел: 237-19-61, 237-09-46.

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти
Европа Иттифоқи

22 МАРТ - БУТУН ЖАҲОН СУВ КУНИ

**Сув ресурсларини барқарор бошқариш учун
инновацион ёндашувлар**

2018 йил 14-16 март

Мақсад: Кенг жамоатчиликнинг, хусусан ёшларнинг эътиборини сув ресурсларини барқарор бошқаришга ва улардан оқилона фойдаланишга, сув танқислиги билан боғлиқ долзарб муаммоларга, сув иншоотларини асрашга қаратиш.

Ташкилотчилар: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Бирлашган миллатлар ташкилоти Тараққиёт дастури ва Европа Иттифоқининг «Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида сув ресурсларини барқарор бошқариш» дастури доирасида амалга оширилаётган «Техник салоҳиятни мустаҳкамлаш» лойиҳаси.

14 МАРТ

10:00-12:00

**«Барқарор ривожланиш йўлида сув ресурсларидан фойдаланишнинг
инновацион усуллари» мавзуидаги фотосуратлар кўргазмаси**

Иштирокчилар: Олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари талабалари

Талаблар: Сув ресурсларидан турли хил соҳаларда оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишда инновацион усулларнинг ўрни ҳақидаги фотосуратлар билан иштирок этиш. Фотосуратлар А3 ёки А2 форматларида кўргазма кунидан энг камида 3 кун аввал ташкилий қўмитага тақдим этилиши лозим. Ҳар бир талаба ёки талаблар жамоаси 1-2та фотосурат билан кўргазмада иштирок этиш(лар)и мумкин.

14:00-16:00

**«Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда инновациянинг сув
хўжалигидаги ўрни» мавзуида мунозаралар**

Иштирокчилар: ОТМ талабалари

Талаблар: Талабалар 3 кишидан (энг камида 1та аёл талабадан) иборат бўлган гуруҳ ташкил этишлари ва мунозараларда мавзу бўйича фаол иштирок этишлари талаб этилади. Мунозараларда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлида сув ресурсларини барқарор бошқариш, улардан оқилона фойдаланишда инновациянинг тутган ўрни, шу соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимларига доир масалалар мухокама қилинади.

15 МАРТ 14:00-16:00

«Сувни асрайлик!» мавзуидаги кулги мунозаралари (Comedy Battle)

Иштирокчилар: ОТМ талабалари

Талаблар: Талабалар З кишидан (энг камида 1та аёл талабадан) иборат бўлган гурӯҳ ташкил этишлари ва тадбирда мавзу бўйича фаол иштирок этишлари талаб этилади. Тадбир З босқичли танловлардан иборат бўлиб, талабалар жамоаси барча танловларда иштирок этадилар.

1-танлов: Кундалик ҳаётда сувдан тежамкорликсиз фойдаланиш ҳақидаги ижтимоий ва кулгига асосланган видео роликлар танлови (ҳар бир видео ролик З дақиқадан ошмаслиги лозим)

2-танлов: Сувни тежаш бўйича илғор инновацион технологиялар ва амалиётлар ҳақидаги тақдимотлар танлови (ҳар бир тақдимот З дақиқадан ошмаслиги лозим)

3-танлов: Очиқ микрофон: 50 йилдан сўнг сувни тежаш бўйича инновацион технологиялар тўғрисидаги мутойибалар, ҳазил янгиликлар ва фантазиялар танлови (ҳар бир чиқиш 20 сониядан ошмаслиги лозим).

16 МАРТ 13:00 -14:00

«Сувни тежаш бўйича инновацион ёндашувлар ва технологиялар» мавзуида кўргазма

Иштирокчилар: Олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари талабалари ва ўқитувчилари, сувни тежаш технологияларини ишлаб чиқариш билан шугулланувчи лойиҳа ва ташкилотлар, ёш олимлар.

Талаблар: Талабалар ва ўқитувчилар томонидан биргаликда ишлаб чиқилган сувни тежаш бўйича технологик ускуналар ва жиҳозлар макети; ташкилотлар ва лойиҳалар томонидан ишлаб чиқилган техник ускуналар; ёш олимларнинг илмий-тадқиқот ишланмалари кўргазмада тақдим этилади.

14:00-17:00

«Инновацион ёндашув ва сув ресурсларини барқарор бошқариш» мавзуида Бутун жаҳон сув кунини нишонлаш маросими

Мақсад: Бутун жаҳон сув кунига бағищланиб уч кун давомида ўтказилган тадбирларнинг якуний ҳисоботи билан таништириш, турли номинациялар бўйича олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган танловлар ғолибларини тақдирлаш.

БУТУН ЖАҲОН СУВ КУНИНИ НИШОНЛАШ ДОИРАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАНЛОВЛАР ҒОЛИБЛАРИФАХРИЙ ЁРЛИҚЛАР ВА ҚУЙИДАГИ ҚИММАТБАҲО СОВҒАЛАР БИЛАН ТАҚДИРЛАНАДИЛАР:

Қаттиқ диск , Планшет

1 йил давомида инглиз тили курсига бепул қатнашиш имкониятини берувчи сертификат

1 йил давомида фотосуратлар ва графикалар курсига бепул қатнашиш имкониятини берувчи сертификат

Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 12-томли тўпламини қўлга киритиш имкониятини берувчи сертификат

Танловларда иштирок этиш учун мурожаатлар қабул қилиш тартиби:

Танловларда иштирок этишни хоҳлаган талаба ёки талабалар жамоаси ташкилий қўмитага ёзма ёки оғзаки шаклда мурожаат этиб, маълум бир танловда ёки барча танловларда иштирок этишини маълум қилиши ва ўз ФИШни ёки жамоа номини қайд эттириши лозим. Ёзма ёки оғзаки шаклдаги мурожаатлар ташкилий қўмита томонидан жорий йилнинг 7-март кунигача қабул қилинади.

Ташкилий қўмита манзили: Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти, Илмий тадқиқотлар ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш бўлими, 11-бино, 2- қават.

Тел. 237-22-67, 237-09-46. Батафсил маълумот билан www.tijame.uz веб-сайтида танишиш мумкин.

Қиммат баҳо совғалар қиз ва ўғил болалар (ғолиблар) ўртасида тенг тақсимланади.

**ЭТЬИБОРИНГИЗ
УЧУН РАҲМАТ!**